
QALAMPIR.UZ коронавирус касаллигидан тузалган беморлардан бири билан суҳбатлашишга муваффақ бўлди.

QALAMPIR.UZ коронавирус касаллигидан тузалган беморлардан бири билан суҳбатлашишга муваффақ бўлди.

—Касаллик аниқланган вақтни эслайсизми? Ўша кунлари қандай воқеалар юз берди?

— Ўша куни қулоғим оғриётган эди. Қулоғим яхши эшитмай қолди. Ўзимнинг яшаш жойимдаги шифокорга учрашдим. Шифокор текширгач, 1-шаҳар шифохонасига йўлланма берди. У ерда ётиб даволана бошладим. Шифохонадан чиқишимга бир кун қолганда у ерда карантин эълон қилинди. Шифохонадан ҳеч кимни чиқаришмади. Кейин билсак, биз ётган шифохонадан 1 нафар коронавирус билан касалланган бемор чиққан экан. Шу билан ўша ерда қолиб кетдик.

— Касаллик бошқа касалликлардан (масалан грипп) фарқ қиладими? Шифохонадаги шароитлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Мен доим жисмоний меҳнат билан банд бўлганим сабаб кам касаллик кўрган инсонман. Касалликни деярли сезганим йўқ. Фақатгина қулоғим оғриди. Ҳозир ҳаммаси жойида. Соғломман. Шифохона карантинга олинганидан бир оз вақт ўтиб, мен ва бир қанча беморлар Вирусология илмий-текшириш институтига жойлаштирилдик. Шифохонада барча шароитлар жойида экан. Бизга шифокорлар яхши қарашди. Ўз вақтида овқатимизни беришди. Мунтазам назорат қилишди. Беморларга ўз вақтида муолажалар қилинмоқда. Барака топишсин, тиним билишмайди.

— Шифохонада ётган вақтингизда нималарни ҳис қилдингиз? Яқинларингиз билан алоқада бўлиб турдингизми?

— Яқинларимни жуда соғиндим. Мана бир ярим ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Уларни кўргим келади.Яхшики, менинг телефоним оддий маркали эди. Унда камера ва бошқа қурилмалар мавжуд эмас. Шу сабабли менинг телефонимни олиб қўйишмади. Уйимдагилар билан қўнғироқлашиб турдик. Уларни ҳам уй шароитида карантинга олишган экан. Телефон барибир телефонда, кўриш, иссиқ бағрингга босиш бошқача!

— Касаллик билан олишиб соғлом ҳаётга қайтдингиз. Орамизда бу вирусни жиддий олмаётганлар талайгина?

—Ҳамма касалланганларнинг шифосини берсин. Яқинларининг олдига эсон-омон қайтиб олсин. Айрим карантиндан қочаётган фуқаролар ҳақида эшитяпмиз. Президент ва унинг жамоаси бекорга бу сиёсатни қилаётгани йўқ. Ҳукумат бор кучи билан ҳаракат қилмоқда. Ҳамма уларнинг айтганини қилиши керак. Айтилган гапларга қулоқ солсак, тартибни бузмасак, коронавирусни осонликча енгиб ўтамыз. Барчаси ўзимизга боғлиқ. Аллоҳ ҳаммамизни ўзи сақласин.

Муаллиф - QALAMPIR.UZ мухбири Зафарбек Солижонов

2020-03-30 13:47:05